2011 йил 5 апрель, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 66 (11.877) | Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШЛАРНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно);

2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади (юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно);

кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

2. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Ш.М.Мирзиёев) назорат қилувчи идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасидаги аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларда қуйидагилар назарда тутилсин:

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини (солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар)ни ташкил қилишни кенг жорий этиш;

солиқ қонунчилиги бузилишларининг тизимли сабабларини аниқлаш, кейинчалик уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизмини татбиқ қилиш;

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказишда унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва мажбурий қўллашни татбиқ этиш.

3. Текширишларни бошлаш ва ўтказиш, хўжалик субъектларининг фаолиятини, шунингдек, банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва бошқа худди шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги қарорлар бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида" 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли ҳамда "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармонларида белгиланган ваколатларга эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётганига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси текширишларни тайинлаш ва ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўрнатилган тартибга сўзсиз риоя этишга йўналтирилган назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда қуйидагиларни таъминласин:

мазкур Фармон қоидаларининг мақсади, мазмуни ва амалий аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш;

давлат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолларини очиб берадиган, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган жавобгарлик чоралари тўғрисида радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни, республика ҳамда маҳаллий матбуотда мақолаларни чоп этишни мунтазам равишда ташкил этиш.

6. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Ш.М.Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, бошқа назорат идоралари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ушбу Фармоннинг қоидалари тааллуқли бўлган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишни қайта кўриб чиқсин ва 2011 йилги текширишлар режасидан чиқариб ташласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 4 апрель*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Бугунги кунда корхоналар ривожида ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш ишларига эътибор қаратиш, бозор талаблари асосидаги харидорбоп ҳамда рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлаш, янги-янги лойиҳаларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.**

### Ислоҳотлар оқимида

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАДАДИДА



Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Албатта, мамлакатимизда тадбиркорликка очилган кенг йўл, уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланаётгани ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришда, шунинг баробарида экспорт салоҳиятини юксалтиришда катта роль ўйнамоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган ва малакали мутахассислар изланишлари асосида янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришда қўллаётган, харидор талаб ва таклифларини ўрганиб, буюртмаларни вақтида ва сифатли адо этаётган «Технолог» акциядорлик жамияти қошида бир нечта шўъба корхоналар мавжуд. Энг муҳими, уларда маҳсулотнинг талабгир ва замонавий турларини кўпайтиришга эътибор қаратилган.

«Технологмаш» шўъба корхонаси ана шундай жамоалардан саналиб, унинг цехларида замонавий технологиялар қўлланилиб ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт ва бутловчи қисмларга мамлакатимиздаги кўплаб корхона ва ташкилотлардан буюртмалар тушмоқда. «Тошкент трактор заводи», «Агрегат» заводи сингари асосий буюртмачилар ва бошқа ўнлаб кичик ҳамда хусусий корхоналарга етказиб берилаётган бутловчи қисмлар сифати ва импорт ўрнини босиши билан ажралиб туради.

(Давоми 2-бетда)

## САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

**Саудия Арабистони Подшоҳлигида 25-31 март кунлари Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлиги Маданият ва ахборот вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз санъат арбоблари иштирок этди.

Маданият кунларининг очилишида Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлиги маданият ва ахборот вазири Абдулазиз Муҳиддин Хўжа Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар соҳалар қатори маданий жабҳада ҳам изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЯККАСАРОЙ** енгил саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган кўрик-танловда иқтидорли ўқувчилар иштирок этиб, ўз истеъдодларини намоён этишди.

✓ **МИРОБОД** туманида фаолият кўрсатаётган «Elit Polimer» қўшма корхонасига Тайвандан келтириб ўрнатилаётган янги технологик линия қуввати билан фитинглар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Бектемир туман бўлими томонидан ўтказилган «Қадрият, урф-одат ва анъаналар» фестивалида ёшлар фаоллик кўрсатишди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Жиззахдаги Ёшлар шаҳарчасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Биз — 20 ёшдамиз» шиори остида ёшлар форуми ўтказилди.**

● **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

● **Пскент туманида бир вақтнинг ўзида юз нафар дам олувчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган замонавий сиҳатгоҳ қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Пскент шифо мадад» номини олган ушбу маскан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси маблағлари ҳисобидан бунёд этилди.**

● **Янгиер шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда навбатдаги меҳнат ярмаркасини ташкил этди. Унда ҳудуддаги 30 та корхона ва муассаса 100 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди. Якунда 46 кишига ишга жойлашиши учун йўлланма берилди. Шунингдек, тадбир доирасида бу ерга ташриф буюрганларга касб ўрганиш тавсия этилди, меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.**

● **Пойтахтимизда «Xerox» компаниясининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мутахассислар журналистларга мазкур компания томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлар, шунингдек, жорий йилга мўлжалланган режалар хусусида ахборот бердилар.**

### ЖАҲОНДА

● **Германиянинг Ганновер шаҳрида «Hannover Messe — 2011» Халқаро саноат ярмаркаси очилди. Унда дунёнинг 65 мамлакатидан 6,5 мингдан зиёд фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Саноат ярмаркасида ишлаб чиқариш жараёнида энергия тежайдиган технологиялар, қайта тикланадиган энергия манбалари ва электромобилларга катта эътибор қаратилмоқда. Ташкилотчиларнинг маълумотига кўра, ярмаркада энергетика, машинасозлик, ахборот технологиялари, транспорт ва логистика, нанотехнологияларга оид беш мингдан зиёд янги техника ва технологиялар намойиш этилмоқда.**

● **Хитойнинг Сянган шаҳрида дунёдаги энг баланд меҳмонхона ишга тушди. Хабарларга қараганда, 312 хонадан иборат ушбу иншоотнинг баландлиги 490 метрга тенг. Меҳмонхона ҳудудида, шунингдек, дунёдаги энг баланд бар, энг катта бассейн ва олти ресторан мавжуд.**

● **Конгода йигирма бир мингдан зиёд киши қизамиқ билан касалланди, икки юздан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмди. Хабарларга қараганда, ўтган йилнинг сентябрь ойидан буён 1,5 миллиондан зиёд бола эмланганига қарамай, мазкур касаллик жаҳонда тобора авж олмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили ўттиз миллион киши қизилча ва қизамиқ хасталигига чалинади. Ўзидан ёмон асоратлар қолдирадиган бу касалликларни даволаш ва олдини олишнинг энг самарали усулларидан бири – унга қарши оммавий эмлаш ўтказишдир.**

● **АҚШнинг Бостон шаҳридан Кариб оролларига йўл олган «American Airlines» авиакомпаниясига тегишли самолёт Нью-Йорк шаҳрига фавқулодда қўндирилди. Манбада келтирилишича, ҳаво транспорти салонида герметикликнинг бузилиши (ҳаво, сув, товуш кабилар ўтадиган бўлиб қолиши) туфайли шундай қарор қабул қилинган. Воқеа вақтида лайнер бортида 140 нафар йўловчи бўлган. Улардан ҳеч бири жароҳатланмаган.**

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар ўз самарасини бермоқда.**

## Қарор ва ижро

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг реанимация бўлимида 6 ўринга мўлжалланган барча қулайликларга эга бўлган неонаталогия палатаси очилганлиги фикримиз далилидир. Маълумки, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси институтнинг ўқув, даволаш ва илмий базаси ҳисобланади. Бу ерда 14 ёшгача бўлган болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Ушбу клиникага бемор болалар саломатлигини таъминлашга хизмат қилувчи замонавий жиҳозлар Туркия давлатининг ТИКА ташкилоти, «Фонд Форум» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан тақдим этилди.



— Шифохонанинг реанимация бўлими қошида янги неонаталогия палатасининг ташкил этилганлиги чақалоқ болаларни даволашда катта имконият яратмоқда, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бош шифокори ўринбосари Тўлқин Ҳошимов. — Мазкур палатада туғма нуқсон билан туғилган чақалоқлар жарроҳлик муолажасидан сўнг даволанади. Бу ерга ўрнатилган «Кювез» – инкубатор аппарати эса беморни тўлиқ назорат қилиш, уни турли ташқи таъсирлардан ҳимоялаш имконини беради. Мақсад беморларга тез, сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш, ёш авлодни соғлом, бақувват бўлиб вояга етишларига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг реанимация бўлими қошида очилган янги неонаталогия палатаси.**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## Фан

# ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК ЖИҲОЗЛАР

**Одатда, об-ҳаво ҳақидаги хабар «Тошкент гидрометеорология станциясининг маълумотига кўра» деган ибора билан бошланади. Ўзбекистон Республикаси бош Гидрометеорология хизмати тарқатган маълумотлар ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Ўз иш жойида сергак туриб, об-ҳаво ўзгаришларини кузатаётган мутахассислар олдида ғоят муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди.**

Мутахассислар энг замонавий техник асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳам қатор муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун имкон яратмоқда. Шу ўринда «Гидрометасбоб» бирлашмаси фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу корхона гидрометеорология ва экология йўналишларида фойдаланилаётган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ҳавонинг намлигини ўлчайдиган датчиклар, электрон термометрлар, қуёш радиациясини ҳисоб-китоб қиладиган техника воситалари замонавийлиги билан ажралиб турибди. Халқаро алоқалар бу соҳада ҳамкорликни кенгайтиришга омил бўлмоқда. Шу боис ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рўйхати кенгайиб бормоқда. Улар зарур маълумотлар сифатида Марказий Осиё минтақасидаги турдош ташкилотларда ҳам муваффақиятли ишлатилмоқда. Синоптиклар қўлидаги хариталарда ҳам гап кўп. Уларда мамлакатимизнинг турли бурчаклари ва ҳатто чет эллардан олинган маълумотлар ўз аксини топади.

Синоптик ўзгаришларнинг хилма-хил элементлари борки, уларни дафъатан ҳисоблаб чиқиб бўлмайди. Бунда мутахассисларга «ақлли» машиналар қўл келади. Бирлашма жамоаси изланиши билан қатор технологик ишланмалар тайёрланди. Об-ҳаво кузатиш жараёнини такомиллаштиришда математик ва гидрометеорологик имкониятлардан ҳам фойдаланилмоқда. Бу эса маълумотларнинг аниқ бўлишини таъминлашда асосий омил бўлаётир.

**Анвар ВАЛИЕВ**

**Тошкент Педиатрия институтида Кореянинг Сеул миллий университетининг бир гуруҳ малакали шифокорлари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи юрак хасталиги билан оғриган 11 нафар болани операция қилишди.**

# ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан бири саналади. Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда нафақат давлат ташкилотлари, балки нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Хусусан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳам оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, жамғарма болалар саломатлигини тиклаш борасида қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга татбиқ этмоқда.

Ушбу хайрли ишларни давом эттириш мақсадида ўтган йилнинг 6-9 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрига Кореянинг Сеул миллий университети госпиталидан қирқ нафар малакали кардиолог, терапевт, педиатр, ортопед, офтальмолог, оториноларинголог ва бошқа шифокорлардан иборат делегация ташриф буюрган эди. Мазкур делегация жамғарманинг Тиббий ижтимоий марказида 500 нафар ҳамда Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 600 нафарга яқин бемор болалар, аёллар, эркаклар ва қарияларни тиббий кўрикдан ўтказиб, бепул дори-дармонлар билан таъминлашган эди.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизга Сеул миллий университети госпиталидан 2 нафар малакали болалар юрак кардиожарроҳи ва административ-бошқарув бўлими шифокорларидан иборат навбатдаги ташриф бўлиб ўтди. Мазкур шифокорлар 15-18 февраль кунлари жамғарманинг Тиббий-ижтимоий марказида 60 нафардан зиёд туғма юрак нуқсони билан оғриган бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб, керакли маслаҳатларини берган эди.

— Қизим Хонзода уч ёшда,- дейди Сайёра Абдулҳамидова. — Туғма юрак нуқсонига даво йўқ деб ўйлардим. Биласизки, юрак инсон организмининг энг керакли ва зарур аъзоси саналади. Шу сабаб, қизимнинг ушбу дард билан оғриб азоб кўришидан мен қатори оила аъзоларим ҳам сиқиларди. Кореялик шифокорларнинг қизимга кўрсатган тиббий ёрдами ва бепул операциясидан бошимиз осмонга етди. Бу ерда фарзандининг саломатлиги ва оёққа туриб, чопқиллаб юриб кетишини интизорлик билан кутиб турган кўплаб оналарнинг қувончи чексиз. Мен кореялик шифокорлар билан бирга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисларига ҳам ўз миннатдорчилигимни изҳор қиламан.

Сеул университети шифокорлари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилган юрак хасталиги билан оғриган 60 нафар боладан 11 нафарини операция қилиш ишлари давом этаяпти.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

# НУРГА ЖИЛО БЕРУВЧИ НАМОЙИШ

**Тошкент Фотосуратлар уйида ёш мўйқалам соҳиблари Руслан Аҳмедов ва Дмитрий Омельченколарнинг «Нурга жило бериб» деб номланган кўргазмаси очилди.**

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада фотография санъатида кенг тарқалган психологик портрет жанрига мансуб фотокартиналар намойиш этилмоқда.

«Second Floor Guys» — «Иккинчи қаватдаги йигитлар» шиори остида ўтказилган кўргазмада ёш фоторассомларнинг 60 га яқин ижодий ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Кўргазмадаги асарларда акс эттирилган табиат манзаралари, ҳайвонот олами ва тарихий объектларнинг биз эътибор бермаган жиҳатларининг тасвири экспедиция иштирокчиларининг алоҳида эътиборига лойиқ. Бундан ташқари, юртимизнинг мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган даражада ўзгариб чирой очгани, пойтахтнинг диққатга сазовор жойларининг ўзига хос гўзал манзараси, халқимизнинг асрлар оша такомиллашиб келаётган миллий урф-одатлари ва анъаналари ёрқин ранглар воситасида тасвирланган.

— Ўзбекистон Бадиий академиясининг бош мақсади ёш ижодкорларга иқтидорларини намойиш қилиши учун имконият, зарур шарт-шароит яратиб бериш ва уларни рағбатлантириб боришдан иборат, — дейди академия бош илмий котиби, тарих фанлари номзоди Абдумажид Мадраҳимов. — Санъат даргоҳимизнинг доимий аъзолари саналган икки нафар ёш фотосуратчининг бугунги кўргазмаси анъанавий санъат намойишларидан тубдан фарқ қилади. Сабаби, кўргазмадан жой эгаллаган асарларнинг хилма-хиллиги, ўзига хос ёрқин жилоси ва тасвирланаётган объекти томошабинни мустақил фикрлашга, мушоҳадага чорлайди. Қувонарлиси, Руслан Аҳмедов ва Дмитрий Омельченколар кўргазмада фақат ўз ижодий асарларини тақдим этибгина қолмасдан, академия тўгаракларида фаолият юритаётган ва санъат даргоҳларида таҳсил олаётган ёш иқтидор соҳиблари, яъни тенгдошларининг ҳам асарларини бир маконга жамлаштиришган. Томошабин кўргазмада нафақат икки рассомнинг, балки 15 нафардан ортиқ мўйқалам соҳибларининг бир-биридан қизиқ ижод намуналаридан баҳраманд бўлади.

## Таълим

# УМИДЛИ ҚАДАМ

**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ўтказилган концерт «Иқтидорларни излаймиз» деб номланди.**

— Институтимизда санъатни қадрлайдиган, куй ва қўшиқни севадиган, ижод машаққатининг қадрига етадиган, фольклор йўналишининг қирраларини ўрганишга интилаётган, кино ва театр соҳасидаги чўққиларни забт этишга шайланаётган иқтидорли ва тафаккури теран ёшларнинг билим олаётгани бизнинг ютуғимиздир, – дейди фалсафа фанлари доктори Абдухалил Маврулов. – Бугунги концерт эндигина саҳнага чиқиб ўз истеъдодини минг бир ҳаяжон билан тенгдошларига, биз устозларга тақдим қилаётган ёшларнинг илк дебоча қадамидир. Улар ўқув йил якунланиши арафасига тайёргарлик кўриб, ярим йиллик ижодий ишларини намойиш қилмоқдалар. Умид ва ишонч билан айта оламизки, келажакда улардан етук санъаткорлар етишиб чиқади ва эл меҳрига сазовор бўладилар. Чунки ўқув масканимиз жуда кўплаб машҳур санъаткорларни етказиб бераётган қутлуғ даргоҳ ҳисобланади.

# САЛОМАТЛИК — БОЙЛИК

**Тошкент молия институтида бўлиб ўтган давра суҳбати «Саломатлик қувватдир» деб номланди.**

Талаба-ёшларнинг тиббий маданиятини янада ошириш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, турли касалликлардан ҳимоялаш ва олдини олиш борасидаги қизғин суҳбатда малакали шифокорлар, ўқитувчилар ва юқори босқич талабалари иштирок этдилар.

Суҳбат жараёнида соҳа вакиллари ёшларга тегишли маслаҳат ва керакли маълумотлар ҳамда тавсиялар бердилар. Қизғин саволларга, мулоҳазали фикрларга бой тадбир иштирокчиларга манзур бўлди.

**Гулнигор САТТОРОВА**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига: Янгийул тумани СИБ томонидан 13.12.2010 йилдаги № 1028/20861-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод қ.ф.й., У. Юсупов кўчаси, 2-уйда жойлашган «Агромакс Инвест Плюс» корхонасига тегишли бўлган бино ва иншоотлар қўйилмоқда, бошланғич нархи – 4 480 140 700 сўм. Зангиота тумани СИБ томонидан «Матлубот савдо» МЧЖ ва «Саидумар Абдуллаев» МЧЖ омборхоналарида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 15.02.2011 йилдаги № 2385-сон ижро ҳужжат. асосан, 1999 йилда и/ч., дав.-бел. 30 W 3470 бўлган «Нексия» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 10 000 000 сўм. 2. 15.02.2011 йилдаги № 2382-сон ижро ҳужжат. асосан, 1998 йилда и/ч., дав.бел. 15 V 2114 бўлган «Нексия» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 9 600 000 сўм. 3. 15.02.2011 йилдаги № 2385-сон ижро ҳужжат. асосан, 1998 йилда и/ч., дав. бел. 40 U 596 ВА бўлган «Дамас» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 8 749 450 сўм. 4. 15.02.2011 йилдаги № 2384-сон ижро ҳужжат. асосан, 1999 йилда и/ч., дав.бел. 15 Z 2347 бўлган «Дамас» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 8 900 000 сўм. 5. 15.02.2011 йилдаги № 2386-сон ижро ҳужжат. асосан, 1999 йилда и/ч., дав.бел. X 050 BVM бўлган «DAEWOO MUSSO» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 31 732 942 сўм. 6. 10.03.2011 йилдаги № 4155-сон ижро ҳужжат. асосан, и/ч. йили номаълум, дав.бел. 11 K 42 36 бўлган «Газ-24» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 1 608 717 сўм. 7. 10.03.2011 йилдаги № 4135-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/ч., «Урал М-67» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 707 976 сўм. 8. 10.03.2011 йилдаги № 4154-сон ижро ҳужжат. асосан, и/ч. йили номаълум, дав.бел. номаълум бўлган «Газ 69» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 1 142 507 сўм. Бекобод шаҳар СИБ томонидан Бекобод тумани «АМТФКМНБ» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 02.02.2011 йилдаги № 658-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 425 QAA бўлган «SINOTRUK HOWO» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 122 520 067 сўм. 2. 02.02.2011 йилдаги № 658-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 80 986 FAA бўлган «SINOTRUK HOWO» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 110 719 626 сўм. 3. 02.02.2011 йилдаги № 658-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 662 ZAA бўлган «SINOTRUK HOWO» русумли автот. воситаси, бош. нархи – 107 705 220 сўм. Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан 19.08.2010 йилдаги № 11746-сон ижро ҳужжат. асосан, «Янгийўл Матлубот Савдо» жарима майдончасида сақланаётган, 2004 йилда и/ч., дав-.бел. 10 V 699 АА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 10 400 000 сўм. Оққўрғон тумани СИБ томонидан 11.09.2008 йилдаги № 6597-сон ижро ҳужжат. асосан, Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳар халқ таълими ҳовлисида сақланаётган 2006 йилда и/ч., дав.бел. 11 AJ 378 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 2 148 257 сўм. Чилонзор тумани СИБ томонидан 13.09.2010 йилдаги 1004/12191-сон ижро варақ. асосан, М. Улуғбек тумани, Авайхон кўчаси, 98-уйда сақланаётган, 2007 йилда и/ч., дав.бел. 9ЕМ2443 бўлган CATERPILLAR бульдозер русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 802 387 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 5 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт ва кўчмас мулк воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 26 май куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

**2011 йил 21 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:** Оққўрғон тумани СИБ томонидан Оққўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 18.03.2010 йилдаги №201-сон ижро варақ. асосан, 2002 йилда и/ч., дав.бел. X165PWM бўлган «ВАЗ-21102» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 438 156 сўм. 2. 15.01.2009 йилдаги № 577-сон ижро варақасига асосан, 1995 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. X 396 ZNM бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 317 661 сўм. 3. 24.08.2009 йилдаги № 681-сон ижро варақасига асосан, 1982 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. H 158 KM36 бўлган «Opel Kadet» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 892 970 сўм. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 25.01.2010 йилдаги № 3072/9-сон ижро ҳужжат. асосан, «Эксклюзив прим савдо» омборхонасида сақланаётган, 1990 йилда и/ч., дав.бел. 11 W 2537 бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 9 050 000 сўм. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 06.07.2009 йилдаги №11905-сон ижро ҳужжат. асосан, 1976 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 J 6618 бўлган «М-412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 335 340 сўм. 2. 09.11.2009 йилдаги №18213-17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 S 5484 бўлган «БМВ-5231» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 24 771 546 сўм. 3. 08.07.2010 йилдаги № 21956-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. O 4458 F бўлган «Daewoo Leganze» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 953 308 сўм. 4. 23.04.2010 йилдаги №12064-сон ижро ҳужжат. асосан, 1991 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 I 0796 бўлган «Опел Кадет» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 106 810 сўм. 5. 17.08.2009 йилдаги № 14486-сон ижро ҳужжат. асосан, 1999 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 R 5592 бўлган «Митсубиси» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 32 302 798 сўм. 6. 17.08.2009 йилдаги № 14486-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. M 7477 бўлган «Мерседес Бенц С 500» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 26 187 143 сўм. 7. 15. 02.2009 йилдаги № 2809-сон ижро ҳужжат. асосан, 1986 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 S 1940 бўлган «Хонда Цивик» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 328 697 сўм. 8. 19.05.2008 йилдаги № 10116-сон ижро ҳужжат. асосан, 1986 йилда и/чиқ., «Прицеп Одаз-8380» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 093 500 сўм. 9. 01.02.2010 йилдаги № 2307-сон ижро ҳужжат. асосан, 1976 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 T 1686 бўлган «Ваз-21011» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 153 335 сўм. 10. 05.03.2010 йилдаги №4680-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 A 7293 бўлган «Daimler Chrysler» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 25 515 000 сўм. 11. 04.05.2009 йилдаги № 7490-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 Z 3081 бўлган «БМВ-318» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 116 648 сўм. 12. 04.05.2009 йилдаги № 7490-сон ижро ҳужжат. асосан, 1992 йилда и/чиқ. дав.бел. X829SPM бўлган «БМВ-520» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 082 854 сўм. 13. 06.07.2009 йилдаги №11906-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав. бел. 30 T 9611 бўлган «Ауди А6» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 21 870 000 сўм. 14. 09.11.2009 йилдаги №18219-сон ижро ҳужжат. асосан, 1979 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 S 9209 бўлган «Ваз 21011» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 068 742 сўм. 15. 06.07.2009 йилдаги № 11906-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 B 0466 бўлган «Ауди» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 530 000 сўм. 16. 01.06.2010 йилдаги №16196/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 L 1108 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 186 158 сўм. 17. 09.11.2009 йилдаги №18214/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 L 8448 бўлган «Мерседес Бенс 290» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 31 463 880 сўм. 18. 24.11.2009 йилдаги №20737/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 2001 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 U 1342 бўлган «Мерседес Бенс S 320» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 45 059 024 сўм. 19. 24.05.2010 йилдаги №13562/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1995 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 G 8778 бўлган «Мерседес Бенс Е-200» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 22 084 798 сўм. 20. 07.05.2009 йилдаги № 7731/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1994 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Z 6479 бўлган «БМВ 316» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 827 780 сўм. 21. 05.10.2009 йилдаги № 16788/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 P 4257 бўлган «Форд Скорпио» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 204 741 сўм. 22. 17.05.2009 йилдаги № 13185/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Y 1306 бўлган «Газ 2401» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 120 146 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2010 йил 2 сентябрда Музаффарова Гўзал Эшпулатовна номига берилган № 0303349 рақамли якка тартибдаги тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 39-ўрта мактаб томонидан 1983 йилда Зокиров Акром Нигманович номига берилган Г№256309 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**





(ЎзА) олган суратлар

## Спорт янгиликлари

### ДАРВОЗАЛАР ДАХЛСИЗ ҚОЛДИ

**Футбол бўйича мамлакат XX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 4-тур баҳсларининг марказий учрашувлари Тошкентда ва Фарғонада бўлиб ўтди.**

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар етакчи жамоалар «Пахтакор» — «Насаф» беллашувининг гувоҳи бўлишди.

Айтиш жоизки, жорий йилда ҳам «Пахтакор» жамоасининг фақат чемпионлик учун курашиши барчага маълум бўлса, украиналик тажрибали мутахассис Анатолий Демьяненко бош мураббийлигида бу йилги мавсумга ҳозирлик кўрган «Насаф» командаси аъзоларининг мақсади ҳам чемпион бўлиш. Шу боис ҳам майдонда ҳар икки жамоа аъзолари эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишди. Албатта, 90 дақиқа мобайнида тенг курашлар остида кечган ўйинда дарвозаларни забт этишга ҳар икки жамоада ҳам имкониятлар бўлди. Бироқ шу куни дарвозага гол киритиш «Пахтакор» жамоаси ҳужумчиларига ҳам, «Насаф» командаси аъзоларига ҳам насиб этмади ва ўйин 0:0 ҳисобида якунланди.

Фарғонада «Нефтчи» жамоаси меҳмони бўлган амалдаги чемпион «Бунёдкор» командаси ҳам сафардан бир очко билан қайтишга мажбур бўлди. Чунки деярли тенг курашлар остида ўтган баҳсда дарвозаларни ишғол этиш ҳеч бир жамоа футболчисига насиб этмади.

4-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» — «Металлург» — 2:3, «Динамо» — «Навбаҳор» — 0:1, «Андижон» — «Машъал» — 4:0, «Қизилқум» — «Бухоро» — 0:0, «Олмалиқ» — «Сўғдиёна» — 2:2.

Мамлакат XX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 5-тур учрашувлари 7,9 апрель кунлари бўлиб ўтади.

### МУАЙТАЙЧИЛАРИМИЗ — КУРРАИ ЗАМИНДА ТЕНГСИЗ

**Таиландда муайтайнинг WMF йўналиши бўйича уюштирилган VIII жаҳон чемпионати мамлакатимиз спортчилари учун муваффақиятли якунланди.**

Курраи заминнинг 20 дан ортиқ мамлакатлари тайбоксчилари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси муваффақият қозониб, мамлакатимизда ушбу спорт тури ёшлар ўртасида жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини яна бир карра исботлади.

Шиддатли курашларга бой, муросасиз кечган беллашувлар якунида терма жамоамиз аъзолари 7 та олтин, шунча кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритишди ҳамда умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи ўрин эгасига айланишди.

Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндор спортчиларга совринлар туҳфа этилди.

### ҚУРЪА НАТИЖАЛАРИ

**Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан 16,19 ёшлилар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш турнирига, 2012 йилги ёзги Олимпиада ўйинлари саралаш турнирининг иккинчи босқичига ҳамда 2014 йилда Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатига саралаш босқичининг дастлабки икки раунди учун қуръа ташлаш маросими уюштирилди.**

16 ёшлилар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш турнирида иштирок этадиган Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «С» гуруҳида Баҳрайн, Тожикистон, Қирғизистон, Ҳиндистон ёшлари билан куч синашади.

19 ёшлилар ўртасидаги Осиё чемпионатига саралаш турнирида терма жамоамизга «С» гуруҳида эронлик, покистонлик, ҳиндистонлик, афғонистонлик ёш чарм тўп усталари қаршилик кўрсатишади. Эслатиб ўтамиз, ўсмирлар ҳамда 19 ёшлилар ўртасидаги Осиё чемпионатларига саралаш турнирининг гуруҳ баҳсларида биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар қитъа биринчилиги мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

2012 йилги ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашишга аҳд қилган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси саралаш турнирининг иккинчи босқичига жиддий ҳозирлик кўрди. Ушбу босқичда олимпиячиларимизга гонконглик чарм тўп усталари рақиблик қиладиган бўлди.

Маълумки, 2014 йилда Бразилия навбатдаги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилади. Ушбу нуфузли турнирнинг саралаш босқичи биринчи ва иккинчи раундига қуръа ташлаш натижаларига кўра Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш турнирининг иккинчи раундида қирғизистонлик футбол усталарига қарши уй-меҳмон тизимида баҳс олиб боради. Ғолиб чиққан терма жамоа кейинги босқич мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**«Тайёргарликдан ўтган инсон, ярим қутқарилган инсондир» дейдилар. Дунёда рўй берган фавқулодда вазиятлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, турли офатлар оқибатида қурбон бўлаётган аҳолининг кўпчилиги тайёргарликдан ўтмаган ёки хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаганлиги, фавқулодда вазиятларга шай эмаслиги асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис, аҳолини ўз вақтида огоҳ этиш, уларни фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, бирор кўнгилсиз офат рўй бергудек бўлса, ундан сақланиш қоидаларини тушунтириш, тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари томонидан жойларда тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.**

## Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

### ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Шаҳар ҳокимининг 2010 йил 30 декабрдаги «2011 йилда Тошкент шаҳар аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш борасида тайёргарликни амалга ошириш тўғрисида»ги қарори ижроси талабларини таъминлаш мақсадида бошқарма Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ҳарбий хизматчилари ва хизматчилари Фуқаро муҳофазаси институти ходимлари билан ҳамкорликда пойтахт туманларида жойлашган умумтаълим мактабларида учрашувлар ўтказиб келмоқдалар.

Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад, шаҳар ҳудудида жойлашган барча ташкилот, корхона, идора ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган аҳолининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш борасида тайёргарлигини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Ҳамза туманида жойлашган 69-мактабда ташкиллаштирилди. Унда тумандаги барча мактабларнинг раҳбарлари, «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» фанидан сабоқ берувчи ўқитувчилар, туман халқ таълими бўлими вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи, лейтенант Элёр Аҳмадалиев, майор Бахтиёр Режепов, кичик сержант Шукурулла Раҳимов, хизматчи Уммат Сувонов, Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчилари Захро Илёсова, Дилфуза Раҳимжоновалар ҳаёт хавфсизлиги асослари ҳақида фикр юритиб, барчани қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари давлат музейи бошлиғи, тадқиқотчи Абдували Норбоевнинг «Фавқулодда вазиятлар Давлат тизими шакллантирилишининг аҳамияти» мавзуидаги маърузаси барчада яхши таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирлар пойтахтнинг барча туманларида ўтказилади.

**Азамат СУЮНОВ**

## «01»

### НОХУШ ҲОЛАТЛАРДАН САҚЛАНИНГ

**Республикамиз ҳудудидаги аҳоли турар жойларида содир бўлаётган ёнғинлар катта миқдорда моддий зарар келтириш билан бирга кўплаб инсонларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига, турли тан жароҳатлари олишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам қуйидаги қоидаларга амал қилишингизни сўраймиз.**

Хонадонларингизда газ ҳидини сезсангиз, дарҳол ойналарни очиб, хонани шамоллатиш чораларини кўринг. Шундай ҳол юз берганида:

— газ жўмрагини ўчириш,

— хонадан чиқиб кетиш,

— «04» газ хизматига телефон қилиш зарур.

Бундай ҳолатларда:

— чироқни ёқиш ёки ўчириш,

— электр мосламаларидан фойдаланиш,

— гугурт ёқиб, газ ҳиди чиқаётган жойни қидириш мумкин эмас.

Уйдан чиқаётганда барча электр мосламаларини ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг.

Ёнувчи, тез алангаланувчи ва ёнилғи материалларини очиқ олов манбаидан узоқроқда сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Газ баллонларининг газ плитасидан 1 метр, бошқа иситиладиган қурилмалардан ҳам 1 метр узоқликда бўлиши талаб этилади.

Газ плитасига ёки ўчоққа овқат тайёрлаш учун қозон ёки бошқа анжомлар қўйилганда, уларни назоратсиз қолдириб бўлмайди. Қозонда ёғ ёниб кетса, алангани қозонга қопқоқ ёпиб ўчириш керак, ёнаётган ёққа сув сепиб бўлмайди.

Хонадонингиздаги электр симлари ва иситиш мосламаларининг созлигига эътибор беринг.

Ёритиш чироқларини қоғоз ва матолар билан ёпманг.

Электр ҳисоблагичларда қўлбола ясалган сақлагичлардан фойдаланманг.

Биноларнинг зинапоя ва чиқиш йўлакларида, чордоқ, балконларда мебеллар ва бошқа ёнувчи буюмларни сақламанг.

Ертўла ва чордоқларнинг эшиклари қулфланишига эътибор қаратинг.

Енгил аланга олувчи (бензин, керосин, ацетон ва ҳ.к) суюқликларни шишали идишларда сақламанг, ҳаттоки, кичик миқдорда ҳам. Уларни фақат металл (алюминий) сиғимларда сақланг. Енгил аланга олувчи суюқликлардан кийим-кечакларни тозалаш (ювиш) мақсадида фойдаланманг.

Янги қурилаётган иморатлар орасида ёнғин хавфсизлиги оралиқлари қолдириб ёки иморатлар орасида ёнғинга қарши ғиштли девор қуришни унутманг.

Тандир ва ўчоқларни сомонхона, ўтинхона ва иморатларнинг яқинига қурманг, ҳовлиларда, айниқса, иморат ва қурилмалар олдида хазон ёқманг.

Агар ёнғин чиқиш аломатларини сезсангиз, дарҳол «01» рақамига қўнғироқ қилинг, ёнаётган жойнинг аниқ манзили, нима ёнаётгани ва ўзингизнинг исми-шарифингизни, хабар бераётган телефон рақамини айтинг. Ёнғин ўчириш машиналари етиб келгунга қадар, ёш болаларни, қарияларни зудлик билан уйдан олиб чиқишга ҳаракат қилинг.

Агарда сиз ёнғин ичида қолган бўлсангиз, ёнғин жойидан кўчага чиқиш имкониятини қидиринг, агар бундай имконият бўлмаса ойнадан одамларни ёрдамга чақиринг. Тинчлигингиз, саломатлигингиз, мол-мулкингизни асраш ўз қўлингизда, озгина эътиборли бўлсангиз, турли нохуш ҳодисалар юз беришининг олдини оласиз.

**М.БАЙЖАНОВ,**
**Миробод ТИИБ ЁХБ**
**кичик инспектори**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

#### ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

*ҒОЯ ВА ЭЪТИҚОД ҲАҚИДА*

**Инсон имон билан мукаммал.**

**Имонига чанг қўндирмаган одам жаннатийдир.**

**Эътиқодсизнинг имони оёқсиз.**

**Эътиқодни ўқлар ҳам теша олмайди.**

**Эътиқодли қуш учиб кетмайди.**

**Иродали одамда ғоя кучли бўлади.**

**Булут эътиқодсиз бўлганидан, шамол уни хоҳлаган томонига олиб кетади.**

**Дунёқараш хусусий билимдир.**

**Мўминлик бошқа, лоқайдлик бошқа.**

**Лоқайд одам диёнатсиздир.**

**Тўрғай билан чумчуқ бир қафасда яшасаларда, қилиқлари турлича.**

**Булбул гулшанин мақтаса, бойўғли харобасини.**

**Диёнат — хиёнатнинг кушандаси.**

**Шам ўзгаларга нур бериш билан ум ўтказади.**

**Дарёлар ширин сув қуйгани била шўр кўл ширинланмайди.**

**Оқимга қарши сузишнинг ўз бўлмайди.**

**Қўлни табиат берса-да, муштни ғо яратади.**

**Ғоя курашида халқпарвар енгади.**

**Ёзувчи ва шоирлар — ғоялар фа занди.**

*ҲУРМАТ ВА ҚАДР-ҚИММАТ ҲАҚИДА*

**Ҳаёт — ҳурмат билан гўзал.**

**Инсон қадри тоғлардан баланд.**

**Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.**

**Ҳурмат бор ерда ҳиммат бор.**

**Қадр-қиммат бор ерда тинчлик ободлик бор.**

**Ҳар ким экканини ўради.**

**Лоқайдликка — ҳурмат бегона.**

**Давлатини йўқотган — бир йил йиғлайди, қадрини йўқотган — умрбод.**

**Ҳурмат сўраб олинмайди.**

**Сохта ҳурмат — қаллобликдир.**

**Ҳар эшикка тиқилган бош — қадрсиз бўлади.**

**(Давоми бор)**

## ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **6 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража илиқ, кундузи — 18-20 даража илиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 12 метр тезликда шол эсади. Ҳарорат кеча— 3-8 даража илиқ, кузи — 15-20 даража иқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг моноринг хизмати маълумога кўра, **6 апрелда** Тошт шаҳри об-ҳаво шароитиа- ҳар ҳаво муҳитида зари моддаларнинг бироз йиишига имконият ярати. Атмосферанинг ифлосли даражаси 1-3 фоиз кўгиши тахмин қилинмда, тагмиқдори паст бўла*




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
3987 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

1 2 35

Буюртма Г- 406

Топшириш вақти: 13 00 Босишга топширилди: 14